

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар киритилишининг назарий ва услубий асослари.....	6
1.1. Инвестиция тушунчасининг моҳияти ва унинг туркумланиши.....	6
1.2. Инвестиция сиёсатини бошқаришнинг мақсади, зарурати ва устувор йўналишлари.....	14
1.3. Инвестиция ресурсларидан унумли фойдаланишнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари.....	19
II боб. Ўзбекистон иқтисодиёти тармоқларига киритилаётган инвестициялар ҳолати ва натижалари таҳлили.....	25
2.1. Ўзбекистонда инвестиция сиёсатининг ривожланиш босқичлари ва уни бажарилиш ҳолати.....	25
2.2. Мамлакат иқтисодиёти тармоқларига йўналтирилаётган инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати таҳлили.....	29
2.3. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган чет эл инвестициялари динамикаси таҳлили.....	35
III боб. Миллий иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш истиқболлари....	41
3.1. Мамлакатда инвестиция сиёсатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари.....	41
3.2. Инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишда ҳукуматнинг ролини ошириш йўллари.....	47
Хулоса ва таклифлар.....	57
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	59
Иловалар.....	63

Кириш

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги. Миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва техник қайта қуроллантиришга киритилган инвестициялар самарадорлиги мамлакатда макроиқтисодий ўсишни барқарорлаштириш билан бир қаторда янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли даромадларини ошириш, инфляция темпини меъёрий даражада сақлаб туриш каби бир қанча ижобий жиҳатларни асослаб беради. Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш иқтисодиётни барқарорлаштириш ва инвестиция сиёсатини самарали тарзда амалга ошириш жамиятдаги инвестиция ресурсларидан имкон қадар самарали фойдаланишни талаб этади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов “Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2008 йилда иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорига инвестиция жалб этилди. Бу 2007 йил билан таққослаганда, 28,3 фоизга кўп бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми 23 фоизни ташкил этди.”¹ деб таъкидлаганлар.

Мамлакатимиз иқтисодиётини яната юксалтириш йўлида киритилаётган инвестицияларни орқали катта ютуқларга эришиб келинаётгани ҳеч кимга сир эмас. Президентимиз Ислом Каримов шу соҳада “Биз бугун 2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.”² деган фикрни айтиб ўтдилар.

Ишнинг ўрганилганлик даражаси. Миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва техник қайта қуроллантиришга киритилган

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, 2009 йил март.

² Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. //Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ.

инвестициялар самарадорлиги борасидаги муаммолар доимо иқтисодчи олимларнинг долзарб масала бўлиб, бу каби муаммолар юзасидан Ж.Р.Хикс, Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, А.Пигу, П.Самуэльсон, Б.Фридман, Л.Абалкин, С.Аукуционек, Л.Григорьев, Я.Кваши, Г.Найденов, А.Полетаев, Ю.Плушевский, В.Фальцман, Р.Энтов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида шакллантирилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимларидан Исоқов М.Ю., Ғозибеков Д., Юлдашев Ш.Г., Исмоилов К.К., Узоқов А., Каримов Н.Г. тадқиқотларида ҳам ушбу муаммоларга катта эътибор берганлар. Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва уларни самарали баҳолаш жараёнларини фаоллаштириш муаммосининг турли жиҳатлари Ҳикматов О.Х., Шарифхўжаев М.Ш., Муҳиддинов Р.М., Махмудов Э.Х., Абдуғаниев А.А., Нодирхонов У.С., Ғуломов С.С., Ғозибеков Д., Расулов Н.Н., Турдиев А., Юсупова Н.М., ва бошқа бир қанча олимларнинг ишларида ҳам атрофлича ёритилган.

Шундай бўлсада, Миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва техник қайта қуроллантиришга киритилган инвестициялар самарадорлиги янада ошириш вазифалари муҳим аҳамиятга эга касб этиб қолмоқда. Инвестиция ресурслари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳоли даромадларини ошириш, инфляция ва ишсизлик каби муаммоларни тўғри ҳал этишнинг асоси ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва техник қайта қуроллантиришга киритилган инвестициялар ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда самарадорликни ошириш йўллари бўйича илмий асосланган тавсиялар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Юқоридаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда ишнинг вазифалари сифатида куйидагилар белгилаб олинди:

- Мамлакатнинг инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий ва услубий асосларини ўрганиш;

- Инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишнинг меъёрий-хукукий жиҳатларини ўрганиш;
- Республика иқтисодиётига жалб қилинаётган инвестициялар самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- Мамлакатнинг ишлаб чиқариш тармоқларига инвестиция жалб қилиш тизимини ўрганиш;
- Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш масалаларини тубдан ўрганиб чиқиш;
- Мамлакат иқтисодиёти тармоқларига чет эл инвестицияларни жалб этиш тизимини янада такомиллаштириш йўлларини келтириб ўтиш.

Тадқиқот объекти Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети Миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва техник қайта қуроллантиришга киритилган инвестициялар самарадорлиги баҳолашни касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, мамлакатимизда ва чет элда чиққан методик ҳамда маълумотнома материаллар битирув малакавий иши учун ахборот базаси бўлиб хизмат қилди.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти ўрганишлар натижасидан инвестиция ресурслардан унумли фойдаланш борасида ва ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларига уларни жалб қилиш тизимини янада такомиллаштириш мумкинлиги билан белгиланади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Ушбу иш кириш қисми, уч бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топган.

I боб. Иқтисодий тармоқларига инвестициялар киритилишининг назарий ва услубий асослари

1.1. Инвестиция тушунчасининг моҳияти ва унинг туркумланиши

Инвестициялар ҳар қандай мамлакатда иқтисодий жиҳатдан юксалиб, ривожланиб боришда асосий таянч сифатида хизмат қилади. Инвестицион жараён ишлаб чиқаришни кенгйтириш, унинг самарадорлигини ошириш, шу билан бирга аҳоли турмуш даражасини яхшилаб боришнинг асоси ҳисобланади.

Инвестиция иқтисодий категория ҳисобланиб, унга турли олимлар турлича таърифлар бериб келганлар. Қуйида инвестиция терминига берилган бир қанча олимларнинг қарашларини атрофлича кўриб чиқамиз.

Самуэльсон П., Нордхаус В. “Инвестиция иқтисодий фаолият бўлиб, келажакда ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида бугунги истеъмол харажатларидан воз кечиш демакдир. Унда воситалар моддий (бино, жиҳоз) ёки номоддий (таълим) капиталига йўналтирилади. Молиячилар фикрига кўра, инвестиция қимматли қоғозларни харид қилишни англатади.”³ деган фикрни таъкидлаб ўтганлар.

Макконелл К., Брю С. “Инвестиция – бу моддий захираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга харажатлардир”⁴ деб таъкидлашади.

Гитман Л. Джонк М. “Инвестиция – бу капитални шундай жойлаштиришки, бунда унинг қиймати сақланиб қолиши, ўсиб бориши ва ижобий миқдордаги даромадни келтириши лозим”⁵ деб таъкидлайдилар.

Розенберг Дж. «Инвестиция даромад олиш ёки капитални оширишга қаратилган пул харажатларидир.»⁶ дейди.

³ Самуэльсон П., Нордхаус В. Экономика, 18-е изд. – М.: ООО “И.Д.Вильямс”, 2009г. 1318 стр.

⁴ Мокконелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика. 16-е изд.– М.: ИНФРА, 2006г. 910 стр.

⁵ Гитман Л., Джонк М. Основы инвестирования – М.: ДЕЛО, 1997г. 10 стр.

⁶ Розенберг Дж. Инвестиции. Терминологический словарь. – М.: ИНФРА-М. 1997г. 67 стр.

Виленский П., Лившиц В., Смоляк С. “Инвестиция келажакда даромад олиш мақсадида йўналтирилган пул воситалари фоолиятидир”⁷ деб таъкидлаганлар.

Шарп У., Александр Г., Дэйли Дж. “Инвестиция келажакдаги қиймат учун бугунги кундаги маълум қийматдан воз кечиш демакдир”⁸ дейдилар.

Боди З., Кейн А., Маркус А. “Инвестиция келажакда каттарок миқдордаги даромадни олиш учун ҳозирги вақтдаги мавжуд ресурсларни йўналтириш жараёнидир”⁹ деб таъкидлашган.

Игонина Л. “Инвестиция - капитал қийматни ошириш ва даромад олиш мақсадида инвестиция ресурсларини инвестиция қўйилмаларига айлантириш жараёни”¹⁰ дейди.

Бочаров В. “Инвестиция даромад олиш ёки маълум ижобий натижага эришиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти объектлариг айўналтириладиган мулкӣ ва интеллектуал қийматдир.”¹¹ деб таъкидлайди.

Золотогоров В. “Инвестиция – бу даромад олиш ва ижтимоий самарадорликка эришиш мақсадида тадбиркорлик объектига ва бошқа фаолият турларига сарфланаётган пул маблағлари, мақсадли банк омонатлари, пайлар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, технологиялар, машина ва усқуналар, лицензиялар, кредитлар, бошқа ҳар қандай мулк ёки мулкӣ ҳуқуқлар, интеллектуал бойликлар”¹² деб таъкидлайди.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Ғозибеков Д. “Инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматни сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади.”¹³ деб таъкидлайдилар.

⁷ Виленский П., Лившиц В., Смоляк С. Оценка эффективности инвестиционных проектов. 2-е изд. – М.: ДЕЛО, 2008г. 23 стр.

⁸ Шарп У., Александр Г., Дэйли Дж. Инвестиции. – М.: ИНФРА-М, 2007г. 979 стр.

⁹ Боди З., Кейн А., Маркус А. Принципы инвестиций. 4-е изд. – М.: Вильямс, 2008г. 25 стр.

¹⁰ Игонина Л. Инвестиции. Учебник. 2-е изд. – М.: Магистр, 2008г. 20 стр.

¹¹ Бочаров В. Инвестиции. 2-е изд. – СПб.: Питер, 2009г. 19 стр.

¹² Золотогоров В. Инвестиционные проектирования. Учеб. пос. – Минск.: Эконо-перспектива, 1998г. 13 стр.

¹³ Ғозибеков Д. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003й. 26 бет.

Ҳайдаров Н. “Инвестиция – бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир”¹⁴ дейди.

Жўраев А., Хўжамқулов Д., Маматов Б. “Инвестиция – бу фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар (инвестор) томонидан чекланган имкониятлардан самарали фойдаланиб, чекланмаган эҳтиёжни ондириш учун иқтисодиётнинг турли соҳаларига маълум муддатга сарфланган барча турдаги бойликлар”¹⁵ деб таъкидлайдилар.

Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида ҳам инвестиция терминига қуйидагича таъриф келтириб ўтилган: “Инвестиция – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритилган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар.”¹⁶

Юқоридаги таърифлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги изоҳни инвестицияга мантиқий таъриф деб ҳисоблаймиз. Инвестиция – келажакда маълум даромад ёки ижтимоий манфаатга эришиш мақсадида бугунги кунда иқтисодиётнинг исталган тармоғига қилинадиган моддий ва молиявий харажатлар мажмуи.

Инвестиция фаолиятини одатда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янгилаш ёки юқорироқ самарадорликка эришиш мақсадида амалга оширилади ва бу ҳолат инвестициянинг иқтисодий моҳиятини акс эттиради. Инвестиция жараёнини икки хилкўринишда кузатиш мумкин:

1. Реал секторда амалга ошириладиган инвестиция фаолияти. Бунини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин.

ИР – ИК – И/Ч – Т – Д

¹⁴ Ҳайдаров Н. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: 2003й. 29 бет.

¹⁵ Жўраев А., Хўжамқулов Д., Маматов Б. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. – Т.: Шарқ, 2003й. 18 бет.

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1998й. 24 декабр. 2-модда.

Бу ерда, ИР – инвестиция ресурслари, ИЖ – инвестиция киритилиши, И/Ч – ишлаб чиқариш, Т – товар, Д – даромад;

2. Молиявий секторда кузатиладиган инвестиция фаолияти. Буни қўйидагича ифодалаш мумкин:

ИР – ҚҚҚ – Д

Бу ерда, ҚҚҚ – қимматли қоғозларга қўйилмалар.

Инвестиция жараёнида инвестиция субъектлари, объектлари ҳамда инвесторлар иштирок этади. Инвестиция субъекти инвестицион жараёни амалга оширувчи шахслар ҳисобланиб, улар Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунига¹⁷ кўра қўйидагилар бўлиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси Резидентлари;
- Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари;
- Хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари;
- Ҳамкорликда инвестиция фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар.

Инвестиция жараёнида ресурслар йўналтириладиган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳамда ижтимоий соҳалар инвестиция объектлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ моддий ва номоддий неъматлар ишлаб чиқариш объектлари инвестиция фаолияти объектлари ҳисобланади.

Инвестиция ресурслари инвестиция жараёнида бевосита иштирок этиб, уларни асосан 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

- Моддий активлар (бино, иншоот, жиҳоз ва бошқалар);
- Номоддий активлар (илмий-техник маҳсулот, интеллектуал капитал ва бошқалар);
- Молиявий воситалар (омонат, кредит маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқалар).

¹⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни, 1998 й. 24 декабр. 7-модда.

Инвестор инвестиция фаолиятини амалга оширишда тўғридан-тўғри иштирок этувчи шахс ҳисобланиб, у фаолият жараёнида учрайдиган ҳар қандай рискларни ўз зиммасига олади.

Турли рискларни зиммага олиш жиҳатига одатда уч тоифадаги инвесторлар фарқланилади:

1. Консерватив инвестор. Бу тоифадаги инвестор инвестиция ресурсларини риск даражаси паст бўлган соҳага йўналтириб, фаолиятни узок муддатда узлуксиз даромад олишга қаратишга ҳаракат қилади.

2. Мўътадил инвестор. Булар риск даражаси ўртамиёна бўлган ҳолатда қониқарли миқдордаги даромад олишга мослашган инвесторлар ҳисобланади.

3. Агрессив инвестор. Бу каби инвесторлар маблағларини риск даражаси юқори бўлишига қарамасдан катта миқдордаги даромад келтирувчи соҳага йўналтирадилар.

Инвестицияларнинг қандай кўринишлари мавжудлигига, улар иб-бирларидан қандай фарқланишига эътибор қаратиш лозим бўлади. Инвестицияларнинг гуруҳларга ажратиб ўрганиш муҳим масала бўлиб, бу борада турлича қарашлар шаклланиб келмоқда.

Шарп У., Александр Г., Бэйли Дж. Инвестицияларни реал ва молиявий гуруҳларини ажратиб кўрсатишади. Бунда реал инвестициялар ер, жиҳоз, завод каби моддий активларга қилинган инвестициялар бўлса, молиявий инвестициялар акция, облигация каби қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни акс эттиради.¹⁸

Виленский П., Лившиц В., Смоляк С. Инвестицияларнинг реал, молиявий ва интеллектуал гуруҳларга ажратишади. Бунда реал инвестициялар ресурсларни ишлаб чиқариш воситалари бўлмиш реал активларга йўналтиришни англатади. Молиявий инвестицияларда ресурслар корхона ёки банк муассасаларининг қимматли қоғозларига йўналтирилишини кўзда тутаяди. Интеллектуал инвестициялар эса, кадрлар

¹⁸ Шарп У., Александр Г., Дэйли Дж. Инвестиции. – М.: ИНФРА-М, 2007г. 1 стр.

тайёрлашга, ноу-хау, лицензия ва патентлар сотибо олишга қаратилган маблағларни акс эттиради.¹⁹

1-жадвал

Инвестициялар классификацияси²⁰

Объектга кўра	Реал
	Молиявий
Мақсадга кўра	Тўғри
	Портфел
Воситалар ҳисобига кўра	Ялпи
	Соф
Муддатига кўра	Қисқа
	Ўрта
	Узоқ
Мулк шаклига кўра	Хусусий
	Давлат
	Хорижий
	Аралаш
Минтақага кўра	Мамлакат ичида
	Чет элда
Риск даражасига кўра	Агрессив
	Мўътадил
	Консерватив
Соҳага кўра	Ишлаб чиқариш
	Ношлаб чиқариш

Андрианов А., Валдейцев С., Воробьев П. Инвестицияларни қуйидаги гуруҳларга ажратадилар.²¹

- Молиявий: спекулятив характерга эга; узоқ муддатли;


¹⁹ Виленский П., Лившиц В., Смоляк С. Оценка эффективности инвестиционных проектов. 2-е изд. – М.: ДЕЛО, 2008г. 24 стр.

²⁰ Игонина Л. Инвестиции. 2-е изд. – М.: Магистр, 2008г. 28 стр.

²¹ Андрианов А., Валдейцев С., Воробьев П. Инвестиции. 2-е изд. – М.: Проспект, 2008г. 27 стр.

- Реал: моддий; номоддий.

Реал инвестицияларни риск даражасига кўра ҳам гуруҳларга ажратилади. Бундай гуруҳлашни қуйидаги чизмада кўриш мумкин.



1-чизма. Инвестицияларнинг риск даражаларига кўра классификацияси²²

²² Непомнящий Е.Г. Экономическая оценка инвестиций: Учебное пособие. – Таганрог: ТРТУ, 2005г. 35стр.

Инвестицияларни турли манбаларда турлича гуруҳларга ажратилинишига қарамасдан, уларни уч турга ажратиш мантиқий тўғри бўлади.

1. Реал инвестициялар. Ишлаб чиқариш, қурилиш ва шу каби моддий активларга қаратилган инвестиция харажатлари орқали маълум даромад олишга йўналтирилган фаолият.

2. Интеллектуал инвестициялар. Кадрлар малакасини ошириш, патент, лицензия, ноу-хау каби номоддий активларга қилинадиган инвестициялар.

3. Молиявий инвестициялар. Акция, облигация каби қимматли қоғозларга қилинадиган инвестициялар.

Бошқа ҳар қандай турдаги инвестицияларни юқорида кўрсатиб ўтилган инвестиция гуруҳларига киритиб ўрганиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида инвестицияларни мўлжалланган соҳасига кўра капитал, инновация ва ижтимоий гуруҳларга ажратиб кўрсатилган.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий ўсишни узлуксиз равишда таъминлаш, ишлаб чиқаришни янгилаб, модернизациялаб боришда ҳамда рақобатбардош корхоналарни шакллантиришда хориж сармоясига, айниқса ривожланган мамлакатлар инвестицияларига катта эҳтиёж туғилади. Шундай экан, инвестицияларни классификациялашда четдан киритилаётган инвестицияларга ҳам ойдинлик киритиб олиш даркор. Ташқи инвестицияларни одатда икки гуруҳга ажратиб ўрганилади.

1. Тўғридан тўғри чет эл инвестициялари. Иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишида, бюджет маблағларини оқилона тақсимлаб боришда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларининг ўрни беқиёс. Тўғридан тўғри чет эл инвестицияларида инвесторлар ишлаб чиқариш жараёнида юзага келадиган ҳар қандай рискларни ўз зиммаларига олиб келадилар.

2. Давлат кафолати остидаги инвестициялар. Давлат кафолати остида киритилаётган инвестициялар турли сабабларга кўра салбий натижа билан яқунланиб қолган тақдирда, уларнинг харажатларини давлат қоплаб беради.

Мустақиллигимизнинг янги йилларида кўпгина давлатлар иқтисодиётимиз билан яхши таниш бўлмаганлиги, иқтисодиётимизга тўлиқ ишонч билан карамаганлиги туфайли уларга талайгина кафолатлар берилган. Ҳозирги кунга келиб давлат кафолати остидаги инвестициялар миқдори камайиб бормоқда. Бундай ижобий ўзгаришга чет эллик инвесторлар иқтисодиётимизга ишонч билан қарай бошлашлари, мамлакат иқтисодиётининг узлуксиз ўсиб бориши, инвестиция муҳитининг йилдан-йилга яхшиланиб бориши каби омиллар таъсир этмоқда.

1.2. Инвестиция сиёсатини бошқаришнинг мақсади, зарурати ва устувор йўналишлари

Мамлакатда инвестиция сиёсатини бошқаришнинг асосий мақсади бўлиб, минтақалардаги инвестиция ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Бу мақсадда давлат томонидан турли инвестиция дастурлари ишлаб чиқилади ҳамда ушбу дастурларга турли соҳалардаги инвестиция лойиҳалари киритилади. Инвестиция дастури - бу республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурслари кабилардан оқилона фойдаланиш йўли билан республиканинг айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-табдирлар комплекси.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида савдо, валюта чеклашларини эркинлаштириш ва солиқ ислохотларини ўтказиш қишлоқ хўжалиги ва молия секторини ислоқ қилиш йирик корхоналарни хусусийлаштириш суръатларини жадаллаштириш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва яшашга қобил давлат корхоналарини қайта ташкил қилиш ҳамда зарар кўриб ишлайдиганларни тугатиш ва бошқаларни назарда тутати.

Инвестиция фаолияти ва унинг манбалари иқтисодиёт ривожининг жадал суръатларини белгилаб бериш билан бирга, у ҳар қандай тизимда кўп

жихатдан минтақа ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиб боришини ва тараккий этиш даражасини ифода этиши лозим.

Инвестиция маблағларининг самарадорлигини таҳлил қилиш сифатли ва ишончли бўлиши учун ҳар бир конкрет вазият учун ғоят хилма-хил воситалар ва методик ёндошувларнинг тегишли комбинациясидан фойдаланиш зарур. Бунда:

- молиявий таҳлил;
- иқтисодий таҳлил.



2–чизма. Мамлакат инвестиция сиёсатининг тамойиллари²³

²³ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида

Юқоридаги чизмада малакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатидаги устувор йўналишлар келтириб ўтилган.

Инвестиция дастурини шакллантиришнинг асосий тамойиллари қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестиция жараёнларини бошқариш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, мақбул шартларда хорижий инвестицияларни ва кредитларни жалб этиш, шунингдек, лойиҳаларни танлаб олиш ва уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш асосида улардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;

- белгиланган давлат устуворликлари асосида энг муҳим тармоқларни ва фаолият соҳаларни қўллаб-қувватлаш;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни (таълим, соғлиқни сақлаш) биринчи навбатда, молиялаштириш;

- минерал хом ашё ресурсларидан унумли фойдаланишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш;


- транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- таркибий ўзгаришлар вазифалари ва амалга оширилаётган инвестиция сиёсатига мувофиқ маблағ қўйишнинг ўзаро манфаатлилиги асосида хорижий сармояларни жалб қилиш;

- инвестиция лойиҳаларни инвестиция дастурининг аниқ рўйхатига олдиндан белгиланган мезонлар асосида киритиш;

- илгари бошланган объектларни тугаллаш учун марказлаштирилган инвестицияларни, биринчи навбатда, ажратиш.

Инвестиция кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг асосий негизини ташкил этар экан, ўз навбатида бу такрор ишлаб чиқаришга инвестор инвестиция ресурсларини иқтисодиёт соҳаларига ўзи кўзлаган мақсадни, асосан даромад олиш ёки ижтимоий самарага эришиш учун дойлаштиради ва инвестор амалга оширган бундай фаолиятни илмий нуқтаи назардан инвестиция фаолияти деб, уни ташкил этувчи таркибий тизимини эса қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин.



3-чизма. Инвестиция фаолиятининг объекти ва субъектлари²⁴

Лойиҳаларни танлаб олишда уларнинг самарадорлиги, республика иқтисодиёти айрим тармоқларини ва минтақаларини ривожлантириш устуворликлари, маҳсулот сотиш кўрсаткичлари, шу жумладан, экспортга йўналтирилганлик, бутловчи буюмлар ва компонентлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда қатнашиш ва шу қабилар асосий мезонлар ҳисобланади.

Инвестиция дастурида лойиҳанинг баҳолаш қиймати, тугалланмаган қурилиши ва қурилишни тугаллаш ҳамда фойдаланишга топшириш учун йиллар бўйича жорий нархларда молиялаштиришга эҳтиёж,

²⁴ А.Жўраев, Д.Хўжамқулов, Б.Маматов Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Шарқ-2003, 21-б.

молиялаштиришнинг тасдиқланган манбалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Инвестиция дастурини ишлаб чиқишда йирик ва ўта муҳим лойиҳалар алоҳида, катта бўлмаган бир типдаги лойиҳалар яхлит киритилиши мумкин (масалан: мактаблар, қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури бу давлат томонидан хорижий инвестицияларни қўллаб-қувватлаш учун устувор ва биринчи галда бажарилиши керак бўлган давлат томонидан рағбатлантирилувчи йўналишларни ишлаб чиқиш воситасида амалга ошириладиган чоратадбирлар ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва улар киритган маблағларнинг юқори иқтисодий самарадорлигига эришиш учун мукаммал ҳуқуқий база, тегишли институтлар яратиш тизимидир. Устувор йўналишларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчи устувор йўналиш - оммавий турар жой қурилиши;

Иккинчи устувор йўналиш - замонавий коммуникация воситалари, транспорт ва алоқа воситаларини ишлаб чиқариш, транспорт ва информация тармоқларини яратиш ва модернизация қилиш;

Учинчи устувор йўналиш - юқори технологиялар. Юқори технологик ва жаҳон бозорларида рақобатбардош, импорт молларининг ўрнини боса оладиган товарларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

Тўртинчи устувор йўналиш - захираларни тежовчи экологик тоза технологиялар. Минерал бойликларни ер остидан қазиб олиш ва табиий хом ашёни тулик ва комплекс қайта ишлаш учун энг янги фан - техника ютуқларидан фойдаланиш;

Бешинчи устувор йўналиш - фермерлик ва деҳқон хўжаликлари тармоғи, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қадоқлаш, транспортировка қилиш, сотиш ва шифобахш қўшилмалари бўлган экологик ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича андозаларга амал қилган ҳолда назорат қилиш технологиясини ўзлаштириб олган қайта ишловчи ва савдо корхоналарнинг кўмаги асосида экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини чиқариш.

1.3. Инвестиция ресурсларидан унумли фойдаланишнинг меъерий-хуқуқий асослари

Мамлакатда инвестиция салоҳиятдан унумли фойдаланиш бўйича талайгина меъерий-хуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Буларга мисол тарзда мамлакатнинг инвестиция дастурини киритишимиз мумкин. Инвестиция дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарори билан тасдиқланади.

“Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”²⁵ги Қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Молия вазирлиги, Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик субъектлари билан биргаликда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастурининг асосий параметрлари тасдиқланди.

Дастурнинг таҳлилий қисми таркибида инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш ва технологик таркибини ҳисобга олган ҳолда, умуман Дастурда, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари, молиялаштириш манбалари ва ҳудудлар, амалга ошириш йуллари бўйича капитал куйилмалар таркиби белгиланади.

Дастурнинг янги ички маҳсулот усишига, иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий узгаришига ва импорт таркибига, ишлаб чиқариш қувватларини ва ижтимоий соҳд объектларини ишга тушириш ҳажмларига таъсирининг прогнозлаштирилган натижалари ҳисоб-китоб килинади.

Дастурнинг барча ҳисоб-китоблари тадрижий тарзда, республикани уч йиллик даврда ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш прогнозлари ва инвестиции лойиҳаларининг аниқ дастури асосида ишлаб чиқилади.

Инвестиция Дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлашда буюртмачилар қуйидаги тартибга амал қилишлари керак:

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги 1855-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида"ги Қарори.

- дастурни амалга оширишнинг 1 йилига келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва молиялаштириш билан таъминланган қурилишларнинг аниқ рўйхати тузилади;

- дастурни амалга оширишнинг 2-йилига унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва биринчи йилдан утувчи қуришларнинг прогноз рўйхати ва дастурни амалга оширишнинг биринчи йилида лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган ва тасдиқланган, биринчи йилида танлов савдоларига қуйиладиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади;

- дастурнинг амалга оширишнинг учинчи йилида унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва танлов савдолари натижаларига кура белгиланган амалга ошириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда қиймати белгиланган тартибда аниқлаштирилган биринчи ва иккинчи йилдан утувчи қурилишларининг прогноз рўйхати киритилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш қуйидаги мақсадларда олиб борилди:

- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатни иқтисодий сиёсатини амалга ошириш;

- давлат фан-техника сиёсатини амалга ошириш ва унинг асосида жаҳон бозорига чиқиш;

- мамлакатда ижтимоий сиёсатни амалга ошириш.

Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш биринчи навбатда ижтимоий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан такомиллаштириш, янгилик ва ихтироларни тадбиқ этиш асосида ижтимоий талабларни қондиришга қаратилган. Бу борадаги мувофиқлаштириш инвестиция фаолиятининг шароитларини аниқлаш ва давлат инвестицияларини бошқариш билан бирга олиб борилади.

Давлат томонидан инвестиция фаолияти шароитларини мувофиқлаштириш қатор чора-тадбирларни амалиётга тадбиқ этиш негизида амалга оширилиши кўзда тутилади.

1. Солиқлар тизимини соддалаштириш, солиқ субъектлари, объектлари ва унинг миқдорларини табақалаштириш, ҳамда энгилликлар бериш;

2. Амортизация сиёсатини тубдан ўзгартириш, хусусан асосий фондларни амортизациясини тезлаштириш;

3. Айрим минтақалар, тармоқлар, ишлаб чиқаришларни ривожлантириш учун дотациялар, субсидиялар, субвенциялар, бюджет ссудалари орқали молиявий ёрдам кўрсатиш;

4. Кредит сиёсати, давлат андозалари, якка ҳокимликка қарши тадбирларини амалга ошириш. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва тугалланмаган қурилишларни хусусийлаштириш сиёсати;

5. Ер ва бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш шарт-шароитларини аниқлаш;

6. Инвестиция лойиҳаларини текширувдан ўтказиш.

Иқтисодий ислохотлар шароитида инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришни маълум объектив ва субъектив сабабларга кўра жорий этилиши қийин кечмоқда. Инфляция юқори бўлган даврда ва янги банклар тизими вужудга келаётган жараёнда кредит сиёсатини бозор муносабатларига мослашиши оғир кечмоқда. Бозор муносабатлари шаклланаётган даврда, инвестиция лойиҳаларини экспертизалашда тажрибанинг етарли эмаслиги кўзланган самарага эришиш имконини бераётгани йўқ.

Республикамизда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлатни эътибори биринчи навбатда қайд қилинган муаммоларни бартараф этишга қаратилиши зарур.

Бюджетдан ташқари инвестиция фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш давлат томонидан инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда иқтисодий усуллардан бири ҳисобланади. Турли мулкчиликни шаклланиши муносабати билан бу борада ҳам давлат олдида, янгидан ташкил топаётган тижорат тизимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича муаммоларнинг келиб чиқиши маълум.

Давлат инвестицияларини тўғридан-тўғри бошқариш, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни шакли ҳисобланади. Бунда, бошқариш бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, бошқа жалб қилинадиган маблағлар ҳисобига инвестицияларни прогнозлаш, инвестициялашни шарт-шароитларини белгилаш ва аниқ фаолиятларни амалга оширишни ўз ичига камраб олади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни йўлга қўйиш иқтисодиётимизни барқарорлаштиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Инвестиция фаолиятидаги субъектлар ҳуқуқларининг барқарорлиги, доимийлиги давлат томонидан кафолатланиши зарурдир. Инвестиция фаолиятида субъектлар шартномаларда ўз мажбуриятларини бажармасалар қонунчилик ҳамда имзоланган шартномаларга биноан мулкӣ ва бошқа жавобгарликларга тортиладилар.

Барча инвесторларнинг инвестицияларининг кафолати, мулк шаклларида қатъий назар давлат томонидан таъминланади.

Инвестициялар тўловсиз миллийлаштирилмайди, реквизиция этилмайди. Агарда қабул қилинган қонунчилик актларига асосан инвесторларнинг банкларга қўйилган мақсадли банк жамғармалари, акциялар ва бошқа турли хилдаги қимматбаҳо қоғозлари давлат томонидан тартибга солинса, у ҳолда инвесторларнинг тўловлари ёки бўлмаса ижара ҳуқуқлари таъминланади. Инвесторларнинг ўзларининг хатти-ҳаракатлари оқибатида ёки уларнинг иштироклари билан йўқотилган қийматлар давлат томонидан қайтарилиши кафолатланмайди.

Бозор муносабатлари ривожланиши билан молия бозори ҳам аста-секин шаклланиб, ривожлана боради.

Маълумки, ҳар бир мамлакатда қонунчиликни ривожланиши бозор иқтисодиётига ўтишнинг танланган йўлига, бозор муносабатларининг ривожланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқдир. Бу соҳада хорижга чиқиш ва ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида республика

хусусиятлари, анъаналарини ҳисобга олиб, тез, қисқа вақт ичида ишга солиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Маълумки иш юритишнинг аниқ шакл ва дастаклари ҳар бир соҳада қабул қилинган қонунларда ўз аксини топади.

Хорижий инвестицияларнинг жалб этишда “лойиҳа молиялаштиришни” йўлга қўйиш, лойиҳаларни таҳлил қилиш, макроиқтисодий изланишларни олиб бориш, таваккалчиликни баҳолаш, ўлчаш ва молиявий ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Инвестиция фаолиятини бошқаришнинг мақсади ва мазмунини ҳам тўғри англаш алоҳида аҳамиятга эга.

Инвестор фаолиятининг мазмунини инвестицион жараён тушунчаси билан таърифлаш мумкин.

Инвестиция стратегиясининг асосини молиявий институтлари фаолияти, мақсади ва чекловлари ташкил этади.

Инвестиция стратегияси вазифасини қўйидагича шакллантириш мумкин: мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, режали истиқболда, ушбу ташкилот учун мижозлар олдидаги мажбуриятлар нисбати, қонуний ва бошқа чекловларга қараб инвестиция қарори яхши бўлади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ҳукумат ташқи иқтисодий фаолиятини диққат марказида бўлди. Хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда ҳукумат қўйидаги тамойилларга асосланди:

- ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;
- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;
- республикага жаҳон стандарти даражасидаги технологияни етказиб бераётган ва иқтисодиётни замонавий таркибини вужудга

келтиришга кўмаклашаётган хорижий инвесторларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юргизиш;

- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган, импорт ўрнини қопловчи ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган муҳим устувор йўналишларда жамлаш.

Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларни миллийлаштириш ва реквизиция қилинмаслигига кафолат беради. Хорижий инвестициялар фақат фавқулодда ҳолатларда, авария, эпидемия тарқалган вақтларда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан реквизиция қилиниши мумкин. Бу ҳолат инвесторга кўрсатилган зарар миқдоридан компенсация қилинади.

Хорижий инвесторлар учун зарур молиявий-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан хорижий инвесторларни ҳимоялашнинг Миллий суғурта жамғармасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу жамғарма республика ҳудудида таъсис этилган чет эл банкларида Ўзбекистон Республикаси, хорижий инвестиция иштирокидаги суғурта компаниялари валюта тушумларининг бир қисмини депонентлаш йўли билан ҳосил қилинади.

Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолиятлари ҳақида Қонунда²⁶ шундай дейилган: инвестиция ва таваккалчиликни суғурта қилиш хорижий инвесторларнинг ҳохишлари асосида амалга оширилади.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси “Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар фаолиятлари кафолатлари” тўғрисидаги Қонунининг 13-моддаси. 5 май 1994 йил.

II боб. Ўзбекистон иқтисодий тармоқларига киритилаётган инвестициялар ҳолати ва натижалари таҳлили

2.1. Ўзбекистонда инвестиция сиёсатининг ривожланиш босқичлари ва уни бажарилиш ҳолати

Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини оширишда инвестиция сиёсатининг ижобий амалга оширилиши катта аҳамият касб этади. Бу борада Ислон Каримов қуйидаги фикрни таъкидлаб ўтдилар: “Мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект, жумладан, озиқ-овқат саноатида 145 та, қурилиш материаллари саноатида 118 та, енгил ва тўқимачилик саноатида 65 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 58 та, кимё ва нефт-кимё саноатида 13 та, фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилди.”²⁷

Ўзбекистонда инвестиция сиёсати ривожланиши қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: 1-босқич 1991-1994 йиллар, 2-босқич: 1995-2003 йиллар; 3-босқич: 2003 й.-ҳозирги давр.

1-босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- турли мулкчилик шаклларини яратиш борасидаги инвестицион жараён номарказлаштириш тадбирлар амалга оширила бошланди;

- хусусий молиялаштириш манбаларига эга бўлмаган ижтимоий аҳамият касб этувчи объектларни бюджетдан молиялаштириш сақлаб қолинди;

- хусусий мулкчиликни жорий этиш тадбирлари олиб борилди.

2-босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- инвестиция фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик базаси яратилди;

- тан лов асосида лойиҳаларни молиялаштиришга ўтилди;

²⁷ И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, 2009 йил март.

- хорижий инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари амалга оширила бошланди;
- иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар киритилиши кучайтирилди;
- инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда турли молиялаштириш манбалари қўлланила бошланди.

3-босқичда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва режалаштирилган:

- валюта муносабатлари ва операциялари либерализациялаштирилмоқда;
- хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва улар манфаатларини ҳимоялаш бўйича муҳим ҳужжатлар қабул қилинмоқда;
- корхоналарнинг техник куроллантирилиши кучайтирилмоқда;
- экспортга мўлжалланган ва импорт урнини қопловчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган лойиҳаларни молиялаштиришга устуворлик берилмоқда.

1995 - 2005 йилларда асосий капиталга куйилган инвестиция маблағлари ҳажмида саноат ишлаб чиқаришга йўналтирилган молиявий ресурслар улуши ошиб борган. Гарчи, жадвал маълумотларида саноат ишлаб чиқаришнинг ялпи капитал маблағлардаги улуши мустақиллик йилларида пасайган бўлсада унинг мутлақ ҳажми ўсиш тенденциясига эга. Бу нафақат ички маблағлар ҳисобига, балки хорижий инвестициялар таъсирида ҳам амалга ошди. Бугунги кунгача мамлакат иқтисодиётига йўналтирилган хорижий инвестицияларнинг 2/3 қисми саноат ишлаб чиқаришга тўғри келади. Мисол учун, 2003, 2004 ва 2005 йилларда асосий капиталга куйилган хорижий инвестицияларнинг мос равишда 46,5, 39,0 ва 48,2 фоизи саноат тармоғига йўналтирилгандир.

Мамлакат иқтисодиётини, хусусан саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва иқтисодий ўсишга эришишга, инвестиция маблағларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз ўрнида мамлакат ички ва ташқи инвестиция маблағларининг иқтисодиёт сектори бўйича

таксимотида тўғри йўналишни белгилаб олишни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан, мамлакат иқтисодиётига йўналтирилган инвестиция маблағлари самарадорлигини аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Инвестиция маблағлари самарадорлигини аниқлаб берувчи кўрсаткичлар ва уларнинг тизимлари талайгина. Улар ичида ҳисобланиши нуқтаи назаридан қулай бўлган ICOR кўрсаткичидан, мамлакатимиз иқтисодиётига, умуман, реал секторга йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини аниқдашда фойдаланамиз.

Инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган юқорида қайд этилган бир қатор ишлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, бугунги кунга қадар давлат қафолати асосида жойлаштирилаётган хорижий инвестициялари ва кредитларининг салмоғи жами ташқи инвестицияларга нисбатан 80 - 85 фоизни ташкил қилмоқда.²⁸

Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб қилишда бевосита хорижий инвестицияларнинг улушини оширишга алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Шу сабабли, тўғридан - тўғри хорижий инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилишда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- айрим тармоқлар ва минтакаларда хорижий инвесторлар учун реал амал қилиш учун имтиёзлар тизимини яратиш;
- хўжалик юритувчи субъектлар, юқори турувчи органлар ва маҳаллий ҳокимиятлар уртасида мулк ва ваколатни аниқ чегаралаб қуйиш;
- барқарор иқтисодий ташқи савдо қонунчилигини, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва концессиялар бўйича меъёрий базани яратиш;
- солиқларни камайтириш ва солиқ тузилмасини соддалаштириш;
- хорижий инвестицияларни суғурталашнинг самарали механизмини яратиш;

²⁸ Ҳошимов К.Б. Чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарни солиққа тортиш ва уни такомиллаштириш йўллари. Т.:М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети. 2004. дисс. Автореферат. 9-б.

- иқтисодиёт тармоқларини монополиядан чиқариш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

- иқтисодиётнинг базавий тармоқларини индивидуал лойихалар бўйича хусусийлаштириш;

- биржа бозорида ва бошқа бозорларда акционерлик жамиятлари акциялари пакетларининг бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш;

- маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарни хорижий инвесторларга сотиш.

Ушбу тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни фаол жалб этилишига ва инвестиция муҳитининг барқарорлигини таъминлашга имкон беради.

2-жадвал

Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012	2013
ЯИМ ўсиш суръатлари	9.0	8.1	8.5	8.3	8.2	8,0
Бюджет даромадлари, ЯИМга нисбатан %да	23.2	22.5	22	21.9	22	20,5
Дефицит/профицит, ЯИМга нисбатан %да	1.5	0.2	0.3	0.4	0.4	0,3
Инфляция, %да	7.8	7.4	7.3	6-8	6-8	6,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари

ЯИМнинг ўсиш суръатлари барқарор тарзда бормоқда. Агар ўртача ўсиш суръатлари 2000-2003 йилларда 4 фоиздан, 2004-2006 йилларда 7,3 фоиздан, 2007-2008 йилларда эса 9,2 фоиздан юқори даражада кузатилган бўлса, ушбу кўрсаткич кейинги беш йил давомида 8,2 фоиздан юқори бўлмоқда. Албатта, бу ўринда дунёдаги мураккаб вазият – жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг рўй бериши, унинг жаҳондаги барча мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам салбий таъсирини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Чунки, мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий

сиёсат глобал инқирознинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини аҳамиятли даражада “юмшатиб”, шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақланиб қолишини таъминлади. Шунга кўра, агар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози рўй бермаганида Ўзбекистондаги ўсиш суръатлари янада юксакроқ бўларди, дейишга етарли асос бор.

Жаҳон амалиётида мамлакатларнинг йиллар бўйича ижтимоий-иқтисодий ривожланиши уларда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари орқали аниқланади. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – бу миллий иқтисодиётда муйян давр (масалан, бир йил) давомида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматларнинг бозор нархларидаги ифодасидир. ЯИМнинг ўсиш суръати одатда олдинги йилга нисбатан фоизларда ўлчанади. Жумладан, 2013 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти олдинги йилга нисбатан 8 фоизга ўсиб, унинг мутлақ ҳажми 119,0 трлн. сўмга тенг етди.

Хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларимизни ҳар томонлама кучайтирмоғимиз даркор.

Бу борада ўтган йиллар мобайнида Республикамизда эришилган ютуқларни қуйидаги жадвал орқали кўриб олишимиз мумкин.

2.2. Мамлакат иқтисодиёти тармоқларига йўналтирилаётган инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолати таҳлили

2007 йилнинг 14 мартдан ишлаб чиқаришни мунтазам модернизациялаш, техник - технологик жиҳддан қайта жиҳозлаш, уни юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш имконини берадиган илғор замонавий ускуналар билан таъминлашга қаратилган самарали рағбатлантириш тизимини яратиш мақсадидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қушимча чора - тадбирларлар тўғрисида”ги Фармони

қабул қилинди. Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши хорижий инвестициялар асосида иқтисодиёт тармоқларини жадал модернизация қилишни кучайтириш йўлидаги навбатдаги амалий қадам бўлди.

Иқтисодиётда изчиллик билан амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёни инвестицион фаолликни таъминлашга асос бўлмоқда. 2012 йилнинг январ-декабрида республикада асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг АҚШ долларидagi эквивалент ҳажми 11,7 миллиард долларни ёки 2011 йилнинг январ-декабрига нисбатан 114 фоизни ташкил қилди.

2012 йилнинг январ-декабрида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий миқдори миллий валютада 23679,7 млрд. сўмга тенг бўлди.

Қуйида келтириб ўтиладиган жадвалда мамлакатимиздаги инвестиция соҳасидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиб чиқамиз.

3-жадвал

Инвестиция соҳасидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси

Кўрсаткичлар	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Амалдаги баҳоларда, жами, млрд. сўм	5479,7	8587,1	12531,9	15409,1	20721,8	23679,7	27371,2
Жорий йилга нисбатан % ҳисобида	122,9	128,3	124,8	109,2	112,6	114	111,3
ЯИМда инвестиция миқдори, %	19,4	22,7	26,1	24,9	26,8	22,9	23


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

Юқоридаги маълумотлар асосида мамлакатимизда инвестицион салоҳиятдан йилдан-йилга самаралироқ фойдаланиб келинмоқда деган

хулосаларга келиш мумкин. Бу фикрни мамлакатимизда инвестиция суръатларининг йиллик ўртача 14-15 фоизга ўсиб келаётгани билан тасдиқлаш асосли. Асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 11027,6 млрд. сўми ёки 71,6 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига, 4381,5 млрд.сўми ёки 28,4 фоизи эса ноишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилди. Мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати натижасида жами инвестицияларнинг ЯИИМдаги улуши тобора ошиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2013 йилга келиб 23 фоизга етганлигини кўришимиз мумкин.

Мамлакат иқтисодиётига киритиладиган инвестициялар миқдори барқарор равишда ошиб бораётгани Ўзбекистонда инвестиция салоҳиятидан қанчалик даражада тўғри фойдалиниб келинаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон иқтисодиётига йўналтирилган инвестициялар миқдори 2006 йилда 2005 йилга нисбатан 9,3 фоизга ўсган бўлса, 2010 йилда 9,2 фоизга, 2011 йилда эса 12,6 фоизга ўсди.



4-чизма. Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)²⁹

Республикалда амалга оширилаётган жадал инвестиция сиёсати натижасида 2012 йилда бу ўсиш темпи 14 фоизни ташкил этиб, 2013 йилда бу кўрсаткич 11,3 фоизга етди ҳамда иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида

технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш ҳамда шу билан бир қаторда аҳоли даромадларини ошришга ижобий тарзда таъсир ўтказди.

Қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан 2005-2012 йилларда инвестицияларнинг молиявий манбалар таркибининг ўзгариш динамикаси кузатиш мумкин. Унда, чет эл инвестицияларининг жами инвестициялардаги улуши йилдан-йилга ортиб бораётганини, яъни бу кўрсаткич 2005 йилда 19.2% га тенг бўлган бўлса, 2010 йилга келиб, 28,8%га етганини кўриш мумкин.

4-жадвал

2005-2012 йилларда инвестициялар таркибини ўзгариши (фоизда)

Молиялаштириш манбалари	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,5
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	25,5
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	42,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	27,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Корхона ва аҳоли маблағлари жамига нисбатан энг катта ўринни эгаллаб, 2008 йилда 53.9% га, 2010 йилда 47,3 %га тенг бўлиб, бу ҳол 2011 йилда 49 %га ҳамда 2012 йилда 42,6 фоизга тенг бўлган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, корхона ва аҳоли маблағларини инвестиция жараёнига жалб қилиш суръатлари йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Қуйидаги жадвал маълумотларига кўра 2011-2012 йилларда асосий капиталга киритилган инвестициялар миқдори мамлакат ЯИМсининг қарийб тўртдан бир қисмини ташкил этиб келмоқда.

Агар ушбу маълумотларни тақсимотига эътибор қаратадиган бўлсак, мустақиллик йиллари бошига нисбатан иқтисодиётга ишонч сезиларли даражада ошганини кўриш мумкин. Бу фикрнинг исботи марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар пропорциясида яққол кўриниб туради, яъни

ушбу нисбат ҳозирги кунга келиб деярли 20:80га тенглашди. Бу ҳол мустақиллик йилларининг бошларида эса тескари кўринишга эга эди.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурида кўзда тутилган капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари (млн. сўм)

№	Молиялаштириш манбаларининг номланиши	2011 йил	2012 йил
	Жами капитал қўйилмалар, шундан:	<u>20721845</u>	<u>23679701</u>
1.	Марказлашган инвестициялар:	4 969 491	5 740 892
1.1.	Бюджет маблағлари	950 000	1 059 254,4
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси	105 000	115 560
1.3.	Бюджетдан ташқари фонлардан, жумладан, - Республика йўл жамғармаси - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси - Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси - Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси	911 834 609800 139930 162104	1 431 777 680 796 158 147 545 836
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1 353 527	1 432 400
1.5.	Давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида), шундан: <i>қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриши (сўм эквивалентида)</i>	1 376 130 <i>171 750</i>	1 701 901 <i>301 564</i>
2.	Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354	17 938809
2.1.	Корхона маблағлари	7 536 261	6 835 725
2.2.	Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, шу жумладан: <i>Қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриши учун имтиёзли кредитлари</i>	2 069 185 196 289	3 524 824 222 070
2.3.	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўм эквивалентида)	3835109	4 340 656
2.4.	Аҳоли маблағлари	2 584 800	3 237 604

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари

Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган демократик давлат тузиш пайида эканмиз бюджет маблағларининг катта қисми шу соҳага йўналтирилиши тайин. Айнан шу маънода бюджет маблағларининг 1 трл сўми ёки 4,5 фоизи иқтисодиёт соҳасига инвестиция сифатида йўналтирилган бўлиб, бу ҳол 2005 йил бюджетнинг 12,7 фоизидан иборат эди.

Умумий ҳисобда 2011 йилда мамлакат иқтисодиётига 20,7 трл сўм маблағ йўналтирилган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб қарийб 4 трл сўмга кўпроқ миқдорни ташкил этди.

Умумий инвестициялар таркибида қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш учун имтиёзли кредитлари улуши ҳам талайгина суммани шакллантирмоқда. 2012 йилнинг ўзида бу мақсадда давлат кафолати остидаги хорижий инвестициялар 300 млрд сўмдан ортиқ бўлган бўлса, тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобидан эса, 222 млрд сўмдан кўп миқдорда инвестициялар йўлланди.

Инвестиция дастури бўйича мамлакатга киритилган марказлашмаган инвестициялар миқдори қарийб 18 трл сўм бўлиб, шундан 6,8 трл сўми корхона маблағларидан, 4,3 трл сўми тўғридан-тўғри хорижий инвесторлар маблағларидан ҳамда 3,2 трл сўми аҳоли маблағларидан ташкил топди. Бунда эътиборли жиҳати шуки, хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизга ишончи йилдан йилга ортиб бормоқда, яъни 2011 йилга нисбатан 2012 йилнинг ўзида хорижий инвесторлар маблағлари ҳисобига киритилган инвестиция ва кредитлар миқдори қарийб 500 млрд сўмга кўпайган.

Давлат инвестиция дастури асосида ташкил этилаётган, бошқарилаётган ҳамда мониторинг қилинаётган лойиҳалар ҳолатининг таҳлилига асосан охириги йилларда нисбатан ижобий натижалар кўзатилаганини кўриш мумкин. Дастурни янада чуқурроқ тадбиқ этиш мамлакат миқёсида ижобий ўзгаришларни, иқтисодиётнинг юксалиб боришини таъминлашни акс эттиради. ЯИМга нисбатан инвестицияларнинг салмоғи ошиб бориши кузатилсада, инвестициявий фаоллик, инвестиция танглигидан чиқиш ҳамда

иқтисодий ўсиш шарт-шароитларини яратиш муаммосининг ечиш мақсадида қуйидагиларга эътибор бериш лозим деб ҳисоблаймиз:

- капитал маблағларни доимий молиялаш манбаларини излаб топиш ва тартибга солиш, ички жамғармалардан фойдаланишда инвестициявий йўналишни таъминлаш;
- иқтисодиёт инвестицияларга мойил бўладиган, хўжалик юритувчи субъектларда эса ишлаб чиқариш салоҳиятини янгилаш эҳтиёжи пайдо бўладиган қулай бозор муҳитини шакллантириш.

Иқтисодиёти ўтиш даврида бўлган ва ривожланаётган барча мамлакатлар қатори Ўзбекистон ҳам иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини молиялаш учун чет эл капиталини асосан ташқи кредитлар шаклида жалб этмоқда. Улардан фойдаланиш мажбурий чорадир, чунки ички инвестиция ресурслари ҳамда бевосита чет эл инвестицияларини жалб этиш имкониятлари чекланган.

Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва баҳолаш тизимини самарали таъминлашнинг энг муҳим омиллари капиталлар бозорини ривожлантиришдан, бу жараёнга чет эл инвестицияларини фаол жалб қилишдан иборат.

2.3. Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган чет эл инвестициялари динамикаси таҳлили

Иқтисодиёт тармоқларини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг муҳим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва улар учун зарур шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Чет эл инвестицияларни жалб этмай, айникса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Бу масала юзасидан Президентимиз Ислон Каримов “Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим устувор йўналиш – чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга улкан эътибор қаратаётганимизни алоҳида қайд этмоқчиман.”³⁰ деб ўтдилар. Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;

- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрадаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;

- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенгайтириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;

³⁰ И.А. Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» номли маърузаси. 2011 йил 21 январь.

- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жихатдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Қуйида берилган жадвалда мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар, шунингдек, тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларни йиллар бўйича ўзгариш суръати келтирилган.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган ва тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳажми

Йиллар	Хорижий инвестициялар (миллион АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар (миллион АҚШ доллари)
2001	823.9	96.5
2002	516.5	80.1
2003	602.1	166.7
2004	754.6	333.8
2005	746.6	545.5
2006	895.7	683.8
2007	1009,3	768,4
2008	1700	1258
2009	2856	2264
2010	3635,2	3107,9
2011	3832,4	3368,4
2012	3277,55	2526,56
2013	3904,3	26939,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Жадвалдан кўриниб тарихдики, 2010 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3,6 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2009 йилдагидан қарийб 800 миллион АҚШ долларига кўп эканини кузатиш мумкин.

2011 йилда 3,8 млрд долларлик хорижий инвестициялар киритилган бўлса, шунинг 3,3 млрд долларини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этган. 2012 йилда эса бу кўрсаткич 3,2 млрд доллар ҳамда 2,5 млрд долларни шакллантирган.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

Жорий йилда 3 миллиард 900 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштирилиб, уларнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 29 фоизга ўсиши таъминланди.


Хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмида тўғридан-тўғри инвестициялар қарийб 69 фоизни ташкил этиши ва уларнинг ҳажми 2014 йилда 22,4 фоизга ортиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - ўзга мамлакат резидентлари томонидан бошқа мамлакат реал активларига маблағ киритиш, уни тасарруф этиш ва уларнинг ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти тавсифига кўра, акцияларнинг камида 10 фоизига эгалик қилиш.

Бу газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибига олган Қандим гуруҳи конларини, шунингдек, Хаузак ва Шоди конларини

ўзлаштириш, истиқболли углеводород хомашё конларида геология-қидирув ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалардир.

Айни вақтда Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплексини барпо этиш, Қорақалпоғистон Республикасида цемент заводи қуриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам шулар қаторига киради.



5-чизма. Худудларда жами фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони³¹.

Юқоридаги чизмада худудлар кесимида фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар баросида кўрсаткичлар келтирилган. Унга биноан Тошкент шаҳрида 3033 та инвестиция лойиҳаси, Тошкент вилоятида эса 451 та лойиҳа ҳамда Самарқанд вилоятида 207 та лойиҳа фаолият кўрсатмоқда.

Юқоридаги кўрсаткичлар хорижий инвестиорларнинг мамлакатимиз худудларига бўлган қизиқиши етарли даражада эмаслигини билдириб туради. Сабаби қолган вилоятилардаги хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятидан тубдан фарқ қилади. Мамлакатимизнинг қолган вилоятлари каби Жиззах ҳамда Хоразм

³¹ Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари

вилоятларидаги хориж иштирокидаги корхоналар сони ҳам, яъни 36 ҳамда 25 та ташкилот сонини имкон қадар ошириш лозим.

Иқтисодиётни ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ва кўламларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришни диверсификациялаш бўйича ислохотлар бевосита Ҳукуматимиз раҳнамолигида, миллий корпорациялар, компаниялар, корхоналар ўз маблағлари ва бевосита жаҳондаги энг йирик ва машҳур АҚШнинг “Женерал Моторс”, “Тексако”, Германиянинг “МАН”, “Даймлер Бенц”, “Клаас”, Буюк Британиянинг “БАТ”, Испаниянинг “Максам”, Япониянинг “Исузу”, “Иточу”, Малайзиянинг “Петронас”, Кореянинг “Кореан Эйр”, “CNOС”, “LG”, Хитойнинг “CNPC”, Россиянинг “Лукойл”, “Газпром” каби компаниялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки сингари йирик халқаро молия ташкилотлари, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва бир қатор араб давлатлари инвестиция банклари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда.

Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш ҳуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акциядорлик капиталининг ҳиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади.

Бу кўрсаткич АҚШда 10 фоиз, Франция ва Буюк Британияда 20 фоизга яқин, Германияда 25 фоиздан 50 фоизгача, Ўзбекистонда эса 49 фоиз даражасида белгиланган. Шунингдек, корхона бошқарувида бевосита амалга оширилаётган инвестицияларнинг узок муддатли экани ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун масъулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юклагандан, балки уларни тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалган усули ҳисобланади.

III боб. Миллий иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш истиқболлари

3.1. Мамлакатда инвестиция сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

Мамлакатда инвестиция сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари борасида йилдан йилга талайгина ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистонда қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари асосида 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури “Республикамизда саноатни ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари ва саноатда умумий қиймати қарийб 47,5 миллиард долларлик 519 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишни ўз ичига олган. Ушбу лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши яқин беш йилда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, унинг ялпи ички маҳсулот таркибида 2010 йилдаги 24 фоиз улушини 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлайди.

Машинасозлик, автомобилсозлик тармоғи, кимё, озиқ-овқат ва фармацевтика саноати жадал ривожланиб, уларда ўсиш суръатлари икки баравардан ортади. Бунда саноат таркибида қайта ишлаш тармоқлари улуши, хусусан 80 дан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ҳисобидан 2010 йилдаги 41 фоиз ўрнига 2015 йилда 49 фоизга кўпаяди.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестицион дастури доирасида амалга оширилмоқда. Дастурлар тўғрисида Президентимиз Ислон Каримов “2009 йилги иқтисодий дастуримизнинг иккинчи энг муҳим устувор йўналиши — бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификатсия қилиш жараёнларини давом эттиришдир.”³² деган фикрни таъкидлаб ўтдилар.

Мамлакатда бажарилаёдиган инвестиция дастурини шакллантиришда қуйидаги масалаларга катта эътибор қаратилади:

³² И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент, 2009 йил март.

- вазирликлар ва жойлардаги ҳокимият органлари инвестицион таклифларни ишлаб чиқади.

- вазирликлар ва жойлардаги ҳокимият органларининг инвестицион таклифлари келгуси йил давлат бюджетига олдиндан келишиш учун иқтисодиёт вазирлигига, молия вазирлигига кўриб чиқиш учун берилади.

- иқтисодиёт вазирлиги ҳамма келиб тушган инвестицион таклифларни маълумотлар базасига киритади ва уларни экспертиза қилади.

- лойиҳаларни экспертиза қилгандан сўнг, иқтисодиёт вазирлиги давлатнинг биринчи даражали ва бошқа мезонларига асосан инвестицион таклифларни танлаб олади.

- иқтисодиёт вазирлиги томонидан инвестицион дастурнинг лойиҳаси ишлаб чиқилади ва келгуси йил давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун молия вазирлигига тақдим этади.

- инвестицион дастурнинг лойиҳаси Ҳукуматга тасдиқлаш учун киритилади.

Ҳукумат инвестиция дастурига киритилган айрим лойиҳалар ўзининг мураккаблиги, таркиби ва ўлчами билан аниқ лойиҳа эмас, балки кўпроқ инвестиция дастурини ташкил қилмоқда. Бу эса ўз навбатида авваламбор лойиҳани амалга оширишда катта хатарни келтириб чиқармоқда, қолаверса дарҳол катта маблағ солиш мажбурияти билан чет эл инвестициясини жалб қилишни қийинлаштирмоқда.

Мамлакатимиз бой табиий, минерал хом ашё ва меҳнат ресурсларига, улкан инвестиция имкониятларига эга бўлган мамлакатдир. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятининг ютуқларини таъминлайдиган ҳал қилувчи омил — бу зарурий, инвестициялаш билан у ёки бу тарзда боғлиқ бўлган жами масалаларни тартибга соладиган таъсирчан қрнунчиликнинг борлигидир.

Ўзбекистонда яратилган кулай инвестиция муҳити биринчи навбатда мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорлик билан тавсифланади. Қабул қилинган қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Фуқаролик, Солиқ, Ер

Кодекслари бу муҳитнинг негизини ташкил этади. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», янги таҳрирдаги «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида» каби ва бошқа қонунларда инвесторларга бериладиган кафолатлар ва имтиёзлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Чет эл инвестициялари оқимини рағбатлантириш мақсадларида қушимча имтиёзлар ва преференциялар бериш назарда тутилган бир қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Республиканинг экспорт-потенциалини кенгайтириш ва валюта билан уз харажатларини узи қоплаш, маҳсулотлар ва экспорт товарлари рақобатбардошлигини ошириш учун қулай шароитлар яратиб бериш мақсадларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан бир қатор қушимча имтиёзлар ва преференциялар жорий этилди. Чет эл инвестицияларини жалб этишни янада рағбатлантириш, республиканинг ҳар бир минтақасида экспортга мўлжалланган қўшма корхоналар ташкил қилиш йулида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинмоқда ва амалга оширилмоқда. Улар жумласига 2000 йил 11 октябрда қабул қилинган 393-сонли «Қўшма корхоналар ташкил қилишда чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича қушимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2001 йил 23 ноябрдаги 459-сонли «Республика минтақаларида чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ташкил қилиш дастурига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» қарорлари ҳам киради.

Президентимизнинг "Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантиришнинг қушимча чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони билан барча мулкчилик шаклларидаги экспортёр корхоналарнинг узлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилишдан олинган даромаддари даромад (фойда) солиги тулашдан озод қилинди. Бунга қушимча тарзда 2000 йил 1 июлдан бошлаб барча мулкчилик шаклларидаги экспортёр корхоналар учун умумий сотиш ҳажмида узи ишлаб чиқарган товарлар (хизматлар, ишлар) экспорти қандай

ҳиссада эканлигига қараб мулк солиги тулашнинг лиги тартиби жорий қилинди. Бу тартибга кура:

- экспорт ҳиссаси 25 дан 50 фоизгача бўлганда амалдаги мулк солири ставкаси 50 фоизга пасайтирилади;

- экспорт ҳиссаси 50 ва ундан юқрри фоиз бўлганда мулк солиги олинмайди.

Шундай қилиб, инвестиция лойиҳасининг амал қилиш муддати уни тузишдан кўзланган мақсадга боғлиқ бўлади.

Бунда асосий шарт шуки, режанинг муддати ё бир марталик лойиҳани тугал амалга ошириш учун ёки ишлаб чиқариш қуввати ва сотиш режалаштирилаётган даражага етиши учун, солинган маблағлар ўзини қоплаш муддатини ва унинг рентабеллигини белгилаш учун етарли бўлиши керак ҳисобланади.

Амалга оширилиши кутилаётган инвестиция лойиҳаларининг функционал вазифалари қуйидагиларни ўз ичига олади: корхона мақсадларини аниқ таърифлаш, уларни амалга ошириш ва мақсадга эришишнинг конкрет миқдор кўрсаткичларини белгилаш; қўйилган мақсадларга эришишни таъминлайдиган ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш, маркетинг ва ташкилий дастурларни ишлаб чиқиш; зарур молиялаш ҳажмларини ва унинг манбаларини аниқлаш; лойиҳани амалга оширишда дуч келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ва муаммоларни аниқлаш; лойиҳанинг амалга оширилишини назорат қилиш тизимини ташкил этиш; лойиҳани молиялашга инвесторларни жалб этиш учун батафсил асосларни тайёрлаш.

Келгусида режалаштирилаётган инвестиция ҳақидаги қарорларни танлаш ҳам катта муаммо. Молиявий ресурсларнинг чекланганлиги, инвестиция хатарлари мавжудлиги ва бошқа шу каби омиллар қарор қабул қилишни қийинлаштиради. Узоқ муддатли лойиҳаларни баҳолаш айниқса сермехнат иш бўлиб, улар учун прогноз даражасига эришиш эҳтимолдан узоқ. Қарорларни қабул қилиш вақтида маблағларни қайси соҳага: ишлаб

чиқаришга, қимматли қоғозларга, кўчмас мулкка, товарларга, валютага ёки бошқаларга сарфлаш фойдалироқ бўлишини аниқлаб олиш муҳим. Амалга оширилиши мақсад қилиб қўйилган инвестиция ҳақида қарорлар қабул қилган вақтда қуйидаги қоидаларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

- молиявий ресурсни банкда сақлашга қараганда кўпроқ соф фойда олиш мумкин бўлсагина пул маблағларини ишлаб чиқаришга ёки қимматли қоғозларга инвестициялаш мумкин;
- лойиҳаларнинг рентабеллиги инфляциянинг ўсиш суръатларидан ортиқ бўлганидагина маблағларни инвестициялаш мумкин;
- молиявий-иқтисодий маблағларни дисконтлашни ҳисобга олганда энг рентабелли лойиҳаларгагина маблағларни инвестициялаш мумкин.

Мавжуд инвесторлар кутилаётган ҳаражатларни солинадиган капитал учун хатар даражаси билан таққослайдилар. Инвестициялаш натижалари уларнинг хатарга дуч келиш даражаси билан чамбарчас боғлиқ. Шу сабабли қарорлар қабул қилиш учун хатарларни таҳлил қилиш ғоят муҳимдир. Асосий инвестициявий хатарлар қуйидагилардан иборат: солинган маблағларни батамом йўқотиш мумкинлиги; капитални қисман йўқотиш; солинган маблағлар бўйича кутилаётган даромаднинг тўланмаслиги; солинган маблағларнинг кадрсизланиши; солинган капиталга фоиз тўлашнинг кечикиши.

Инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ қарорлар ўртасидаги нисбатлар инвестициялар йўналишларини ҳамда уларни шакллантириш манбаларини танлашни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш, тадқиқотлар ва ривожланиш, менежмент маблағ солишга турли даражада алоқадор ва шу сабабли инвестиция ҳақидаги қарорлар билан боғлиқ бўлади. Молиявий таҳлил ва ҳисобот инвестицияларни баҳолаш усуллари билан шуғулланади.

Лойиҳани амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин уни амалга оширишни режалаштириш ҳамда тегишли мониторинг тизимини ишлаб чиқиш зарур. Шу ўринда инвестициялашдан кейинги назорат учун қўйиладиган талабни белгилаб олиш муҳим, чунки бунда, у ёки бу

лойиҳанинг келажакда муваффақиятли чиқиши ёки муваффақиятсизликка учраши ҳақида маълумот олиш осонроқ бўлади. Инвестициялашдан кейинги назорат босқичи келажакда инвестиция ҳақида қабул қилинажак қарорларни яхшилашга қаратилган бўлиб, у конкрет инвестиция лойиҳаси бўйича қабул қилинган қарорга яқун ясайди. Масалан, янгиликларга қилинадиган харажатлар тадқиқ этилиши ҳамда кутилган ва режалаштирилган натижалар билан таққосланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ҳам молиялаштирилаётган барча лойиҳалар устидан мониторинг олиб боришнинг умумий тизими жорий қилинган.

Лойиҳаларни мониторинги мазмуни "кузгу" деган маънони англатади.

Инвестиция лойиҳаларини мониторингини амалга ошириш қуйидагилар кузда тутилади:

- бажариладиган лойиҳада нимаишлаб чиқариш кузда тутилганлиги.

- ишлаб чиқариш жараёнини билишлик, яъни маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини бошидан охиргача кузатиб бориш.

- ишлаб чиқариш корхонасининг ташкилий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва экологик жиҳатдан асосланиши ва ташкил этилиши.

- лойиҳани молиялаштириш манбаларини аниқдаш ва уни молиялаштиришни амалга ошириш.

Инвестиция лойиҳалари мониторингини олиб бориш босқичлари булиб қуйидагилар ҳисобланади:

- фирманинг молиявий - хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш;

- юқорида олинган маълумотлар асосида корхоналарнинг молиявий - хўжалик ҳолатини таҳдил этиш;

- амалга оширилган таҳлил натижалари бўйича хулосалар қилиш ва таклифлар бериш.

Инвестиция дастурини амалга оширилиши мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 январдаги 1 - сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига

киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисидаги Низомга ва Вазирлар Маҳкамасининг "Инвестиция Лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юкларини ва техник кумаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора - тадбирлари тўғрисида"³³ ги Қарорига мувофиқ бажарилади.

3.2. Инвестиция ресурсларидан самарали фойдланишда ҳукуматнинг ролини ошириш йўллари

Ўзбекистонда инвестиция жараёнини жонлантира оладиган механизмни яратиш зарурияти тобора кучаймоқда, чунки ҳозирча мамлакатимизда ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қиладиган барқарор иқтисодий механизм ва ишлаб чиқариш сектори учун инвестиция ресурсларини тўплаш механизми тўлиқ ташкил этилмаган.

Бозор муносабатлари шароитида инвестиция борасидаги фаолликни рағбатлантириш механизми бир неча блокни ўз ичига олиши зарур. Булар:

- марказлаштирилган капитал маблағларнинг (давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардан) оқилona тақсимланишига ва самарали фойдаланилишига ёрдам берадиган иқтисодий воситалар ҳамда ташкилий чора-тадбирлардан;

- минтақалар даражасида инвестиция фаолиятининг молиявий базасини мустаҳкамлайдиган иқтисодий механизмдан;

- корхоналар ва ташкилотларнинг ўз жамғармалари ўсишига ёрдам берадиган иқтисодий чоралардан;

- хусусий тадбиркорларнинг инвестиция борасидаги фаоллигини рағбатлантирадиган иқтисодий механизмдан;

- аҳоли жамғармаларини иқтисодиётни инвестициялаш мақсадларида ишга солиш воситаларидан;

³³ Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251 - сонли "Инвестиция Лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юкларини ва техник кумаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора - тадбирлари тўғрисида" ги Қарори

- бевосита ва қарзга олинадиган чет эл инвестицияларини жалб этиш чораларидан иборат.

Инвестиция сиёсатини амалга ошириш механизми ичидаги турли блокларнинг воситалари ва усуллари ўзаро бирикиб, бир-бирини тўлдиради ва бир вақтнинг ўзида турли йўналишларда амал қилиб, инвестициялар келадиган турли йўللарни ишга солади ва рағбатлантиради.

Инвестиция қўйилмаларининг амалдаги самарадорлиги олинган самарага кўра баҳоланади. Маълумки, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) мамлакатнинг иқтисодий ўсишини кўрсатувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. ЯИМни миқдори ва ўсиш суръатлари эса иқтисодиётга йўналтириლაётган инвестицияларнинг миқдорига боғлиқ.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, марказлаштирилган инвестицияларни бозор тамойилларига асосланмасдан, ҳокимият органларининг субъектив қарорлари асосида ажратиш давлат маблағлари самарасиз сочилиб кетишига ва шунинг оқибатида, жойларда тугалланмаган ишлаб чиқариш кўпайишига олиб келиши мумкин.

Инвестиция сиёсатида бозор муносабатларининг устунлик қилишига инвестицияларни танлов асосида тақсимлаш жорий этилиб, очиқ турдаги тендерлар тизимидан фойдаланилса, тижорат банкларининг кредитлари билан кафолатлаш, ихтисослаштирилган банklar ташкил этишда қатнашиш ва ҳоказолар орқали билвосита молиялашни кенгайтириш ҳисобига бюджетдан тўғридан-тўғри молиялаш қисқартирилса, бюджет маблағларининг бир қисмидан нодавлат ташкилотларнинг маблағлари билан биргаликда давлат-хусусий ишлаб чиқариш лойиҳаларини молиялаш учун фойдаланилса ёки хусусий капитал оладиган фойдаларнинг кафолати сифатида фойдаланилган ҳолатларда эришилади.

Масалан кредит тизими бозор муносабатлари шароитида маблағ топишнинг ва айниқса, унинг марказлаштирилган манбаларининг энг муҳим иқтисодий воситасидир. Бу тизимнинг механизми кредит ставкаларини даражалаш, кредитлар ҳажмларини ва улардан фойдаланишнинг

кулайлигини ўзгартириш, уларни танлов асосида бериш орқали амал қилади. Қарз фоизи ставкаларини ва мажбурий банк заҳиралари нормаларини тартибга солиш инфляция даражасига, нархлар динамикасига, миллий валюта курсига, капитал ва маҳсулотни экспорт ҳамда импорт қилишга таъсир кўрсатишни таъминлайди. Қарз фоизини ва имтиёзли кредитлар беришни тартибга солиш йўли билан бозор шароитларида инвестицияларнинг устувор тармоқлар ва соҳаларга ўтиб туришига эришилади ва шу тариқа иқтисодиётнинг реструктуризация қилиниши таъминланади. Қиска муддатли банк кредити ишлаб чиқаришни инвестициялаш муаммоларини ҳал қила олмаслиги сабабли капитал савдо-воситачилик соҳасидан моддий ишлаб чиқариш соҳасига ўтиб туришини таъминлаш учун, узоқ муддатли кредитлар учун олинадиган фоиз ставкаларини кескин камайтириш зарур.

Ҳам миллий, ҳам чет эл хусусий тадбиркорлик капиталини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш чора-тадбирлари тизими инвестиция сиёсатини амалга оширадиган бутун иқтисодий механизмнинг муҳим қисмига айланиши керак. Чунончи, хусусий сектор учун ғоят имтиёзли инвестиция муҳити Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида иқтисодиёт ғоят жўшқин ривожланишининг, хусусий тадбиркорлик тез ўсишининг сабаби бўлди. Айнан кулай инвестиция муҳити хусусий бизнеснинг амалий фаоллигини юқори даражада сақлаб туриш имконини бермоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатда инвестиция сиёсатини юритишда асосан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасидаги чет эл инвестициялари тўғрисида»ги ҳамда «Хорижий инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қонунлари амал қилиб турибди. Энг аввало, чет эл инвесторларига қайси мамлакатга мансублигидан, миллати ва диний эътиқоди қандай бўлишидан қатъий назар камситилмаслиги каби кафолатлар, янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши натижасида инвестициялаш шароитлари ёмонлашувидан кафолатлар, инвесторлар фаолиятига таалукли ахборотдан эркин

фойдаланиш кафолатлари, давлат бошқаруви идоралари ҳамда маҳаллий ҳокимият идоралари вакилларининг конунсиз ҳаракатларидан ёки ҳаракатсизлигидан кафолатлар берилган.

Маълумки, хусусий капитални ҳудуд иқтисодиётини, тармоқни ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур соҳаларга маъмурий усуллар билан йўналтириб бўлмайди. У иқтисодиётнинг энг кўп фойда келтирадиган, дастлабки маблағ катта бўлишини талаб қилмайдиган, маблағ тез копланишини таъминлайдиган ва ишончли сотиш бозорига эга бўлган соҳаларга ўз-ўзидан интилади. Савдо-воситачилик фаолияти, уй-жой қурилиши, қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш ва бошқалар хусусий сектор учун капитал солишнинг ана шундай жозибадор соҳаларидир. Айни вақтда шуни назарда тутиш керакки, йирик инвесторлар маблағларини тобора кўпроқ кўчмас мулкка ҳамда йирик моддий ишлаб чиқаришга солишни мўлжалламоқда. Хусусий капитал иқтисодиётнинг эҳтиёжларига ва фойда олиш имкониятига сезгирроқ бўлади, шу сабабли у «ўсиш нуқталарини» ёки инвестициялашнинг устувор йўналишларини давлат амалдорларига қараганда аниқроқ билади. Хусусий капиталнинг муайян ишлаб чиқаришларга қизиқиши яқин вақт ичида қаерда жонланиш бошланишини тўғридан-тўғри кўрсатиб беради. Ана шунга асосланиб, хусусий капитални инвестициялаш йўналишларидан устувор соҳаларни кўрсатувчи мўлжал сифатида фойдаланиш мумкин. Шу муносабат билан капиталнинг бир соҳадан иккинчи соҳага эркин ўтиб туришини таъминлайдиган эпчил ташкилий-иқтисодий механизм зарур.

Инвестиция сиёсатини амалга ошириш иқтисодий механизмнинг асосий таркибий қисми хусусий капитални ҳудуд хўжалигини ривожлантириш учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган соҳалар ва ишлаб чиқаришларга солишга ёрдам берадиган имтиёзлардан иборат. Имтиёзлар берилганида миллий ва хорижий компаниялар одатда ҳуқуқи расман бараварлаштирилади, лекин амалда маҳаллий фирмаларнинг аҳволи унчалик яхши бўлмайди. Жаҳон тажрибасини, шу жумладан ривожланаётган

мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, фискал имтиёзлар тизимининг вужудга келиши иқтисодий индустриалаш, таркибий қайта қуриш, модернизациялаш, иш билан бандлик ва шу каби бошқа муаммоларни ҳал қилишда хусусий капиталдан фойдаланиш билан боғлиқ.

Солиқ сиёсатининг функциялари маълум даражада умуммиллий вазибалар ҳамда минтақани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан ўзаро боғлангандир. Агар иқтисодий стратегиянинг асосий йўналиши экспорт салоҳиятини ривожлантиришдан иборат бўлса, у ҳолда, табиийки, фискал имтиёзлар соҳаси ҳам экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш учун қўлланилиши керак. Шу билан бирга, солиқ ёрдамида рағбатлантиришга фақат давлат стратегиясининг эволюцияси нуқтаи назаридан қараш мумкин эмас. Солиқ тизими мамлакатда юз бераётган чуқур ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан, шунингдек, хусусий тадбиркорлик капиталининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқдир.



6-чизма. Мамлакат иқтисодийида инвесторлар учун солиқ имтиёзларини ривожлантириш йўналишлари³⁴

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида солиқ инвестицияларга йўналтириладиган даромадларни камайтиради ва шу сабабли хусусий

³⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

секторга юқори солиқ солиш керак эмас, деган қоида мавжуд. Бу қоида солиқ сиёсатининг ва хусусий инвестицияларни рағбатлантириш амалиётининг концептуал асосидир. Инвестиция товарларининг баҳоси солиқ преференциялари ҳисобига камаяди, солиқ тўланганидан кейин хусусий капиталга тўғри келадиган фойда нормаси эса ошади. Натижада капитал маблағлар ҳам ўсади. Бизнинг фикримизча солиқ ёрдамида рағбатлантириш тизимининг Ўзбекистонда ҳам ривожланиши муқаррардир.

Ривожланаётган мамлакатларда инвестицияларни солиқ ёрдамида рағбатлантиришнинг кенг тарқалган чораси даромад солиғи тўлашдан вақтинча озод қилиш бўлиб, бу чора солиқ таътиллари дейилади. Эркин солиқ режими ўз капиталини ишлаб чиқаришга инвестициялайдиган кўпгина компанияларга қисман ёки тўлиқ солиқ таътиллари бериши керак. Сингапурни мисол қилиб келтирадиган бўлсак, экспортга мўлжалланган корхоналар учун экспортдан олинadиган даромаднинг қўшилган суммаси 10 йилдан 15 йил муддатгача солиқ тўлашдан озод қилиниши мумкин. Таиландда солиқ имтиёзининг миқдори корхона қайси тармоққа мансублигига қараб белгиланади ва 3 йилдан 8 йилгача жорий этилади, шундан кейинги 5 йил учун эса даромад солиғи тўлашдан қисман (50% миқдорида) озод қилиш назарда тутилади.

Қимматбаҳо техникани бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаш шарти билан сотиб олиш имконини берадиган лизингни ривожлантиришни рағбатлантириш учун ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида лизинг операцияларига махсус солиқ имтиёзлари белгилаш мақсадга мувофиқдир. Инвестициялар муаммосини ҳал қилиш учун лизинг қанчалик яроқли эканлигини қуйидаги маълумотлар кўрсатиб турибди: АҚШда машина ва ускуналарга солинадиган маблағларнинг 25-30%, Австрияда 33%, Англия, Франция, Швеция, Испания, Италияда эса 12-17% лизинг асосида амалга оширилади.³⁵

Ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш учун корхоналар лизинг контрактлари тузган вақтларида инвестиция кафолатлари

³⁵ Гиттинджер Дж.П. Экономический анализ проектов. Определение затрат и выгод. Балтимор, 1982. 221б.

муаммоси ўзининг яхши амалий ечимини топади. Лизинг операциялари шунчаки ускунани ижарага олишдан иборат бўлмай, балки капитал маблағларни истиқболли молиялашнинг янги ўзига хос тизими бўлиб, унда ижара муносабатлари, гаров эвазига кредит ёрдамида молиялаш, қарз мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китоблар ишга солинган бўлади. Кафолатлар механизмини ишга солган ҳолда инвестицияни молиялашнинг бундай усулидан фойдаланилганида корхона ускуналарни бўлиб-бўлиб ҳақ тўлаш шарти билан сотиб олиш ҳисобига ҳаражатларни қисқартириш имконига эга бўлади. Бундан ташқари, молиявий лизинг оддий кредитлашга қараганда анча самаралидир, чунки у пулдан фарқли, кадрсизланишдан кафолатланган. Бундай ҳолларда молиявий хатарлар ускуна етказиб берувчилар, лизинг тўловларини кафолатлайдиган суғурта компаниялари ва гаров депозити учун пул тўлайдиган банклар ўртасида тақсимланиши мумкин.

Инвестиция борасидаги фаолликни рағбатлантириш механизмнинг энг муҳим таркибий қисми капиталнинг савдо-воситачилик соҳасидан моддий ишлаб чиқариш соҳасига ўтиши жараёнини давлат томонидан қўллаб-қувватланишидан иборат бўлиб, бундай рағбатлантириш даромаднинг солиққа тортилмайдиган, ишлаб чиқаришни, уй-жой, ижтимоий соҳа объектлари қурилишини инвестициялашга йўналтириладиган қисмини кўпайтириш ёки техника билан қайта қуроллантириш учун фойдаланиладиган даромаднинг ҳаммасини солиқдан озод қилиш йўли билан амалга оширилади. Бюджетга тушимлар камайишининг ўрнини қоплаш учун савдо ҳамда воситачилик операцияларига оширилган даромад солиғини ва воситачилик ҳақларини жорий этиш мумкин. Ўрта ва қисқа муддатли даврларда имтиёзли режимни ишлаб чиқариш аппарати фаол модернизация қилинаётган ва капитал маблағлар тез самара бериши мумкин бўлган ишлаб чиқаришларга бериш зарур. Узоқ муддатли даврларда имтиёзли режимни ишлаб чиқариш салоҳиятини янги технология асосида янгилашга ва мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган ишлаб чиқаришларда жорий этиш мумкин.

Жаҳон амалиётида эскириб қолган ускуналарни алмаштиришни ҳамда энг янги техника ва технология турларини жорий этишни рағбатлантириш мақсадида муваффақиятли қўлланилаётган самарали усуллардан бири инвестициявий солиқ кредитидир. Бу моҳият жиҳатидан-давлатнинг капитал маблағларни молиялаши, шакл жиҳатидан эса - солиққа тортиладиган даромад миқдорини қисқартирадиган солиқ чегирмаси бўлиб, уларнинг фарқи шундаки, корхоналарда қолдириладиган солиқ кредити суммаси муайян вақт ўтгач давлатга қайтарилади. Инвестициявий солиқ кредити, одатда, ускуналар қийматига фоиз ҳисобида белгиланади ва бевосита солиқ суммасидан ёки солиққа тортиладиган даромад суммасидан чегириб ташланади. Масалан, АҚШда хизмат муддати 3 йилдан кам бўлган объектларга солинадиган капитал маблағлардан 6 фоизлик солиқ чегирмасига, объектларнинг бошқа турларига солинадиган капитал маблағлардан 10 фоизлик солиқ чегирмасига рухсат берилган. Ушбу усулдан фойдаланиш вақтинча наф кўрадиган корхона учун ҳам, олинмай қолган маблағларни кейинчалик ортиғи билан қайтариб оладиган давлат учун ҳам фойдалидир.³⁶

Инвестицияларни молиялашда корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағларига катта ўрин берилиши сабабли корхоналар даражасида капитал жамғаришга ундовчи механизмни ишлаб чиқиш муҳим деб ҳисоблаймиз. Ана шу нуқтаи назардан қараганда амортизация сиёсатини қайта кўриб чиқиш зарур деб ўйлаймиз. Ҳозирда амортизация ажратмалари асосий фондлар нормал такрор ишлаб чиқарилишини таъминлай олмаслигининг асосий сабаби шундаки, сўнгги вақтларгача улар фондларнинг дастлабки қиймати бўйича ҳисобланар эди. Асосий фондларни қайта баҳолаш индексларининг ортиши инфляциядан ва капитал маблағлар нархларининг индексларидан орқада қолмоқда.

Ускуналарнинг асосий турларини жадал амортизациялаш ишлаб чиқаришга солинадиган инвестицияларни кўпайтиришнинг прогрессив усули

³⁶ Горбунов Э. Стимулирование инвестиционной деятельности // Экономист. 1993 - №3. 116.

бўлиб, бу усул чет элда кенг қўлланилади. Жадал амортизациялашнинг иқтисодий маъноси шуки, ускуналардан фойдаланишнинг дастлабки йилларида фойдани солиққа тортишдан олдин ундан эскириш суммасини чегириб ташлаш мумкин. Жадал амортизациялашда солиқ ва иқтисодий амортизация миқдорлари ўртасида катта фарқ пайдо бўлади ва шунга мувофиқ, ундан ўз ўрнида фойдаланилганида солиққа тортиладиган фойда камаяди. Жадал амортизация нормативларидан фойдаланиш ускуналар икки йил ишлатилганидан кейинроқ улар қийматининг 60 фоизига яқинини ҳисобдан чиқариш ва шу тариқа, уларни жадал янгилаш учун инвестиция маблағлари билан таъминлаш имконини беради.

Инвестиция борасидаги фаолликка таъсир кўрсатишнинг юқорида таклиф қилинган бевосита ва билвосита омилларидан фойдаланиш реал секторга капитал кириб келишига, инвестиция фаолияти жонланишига ёрдам беради ва шу тариқа барқарорлашувга ва шундан кейинги иқтисодий ўсишга ёрдам беради.

Президентимизнинг ПҚ-1464-сонли 2011 йил 7 январдаги қарорида мамлакатимизда 2011-2015 йилларда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш, қулай тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва янги қонунлар қабул қилиш;
- мамлакатимизда ва ҳудудларда ҳар томонлама қулай бизнес муҳитини яратиш;
- молия-банк тизимини либераллаштириш, молия ва кредит ресурслари бозорини мустақкамлаш ва ривожлантириш;
- фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳисобидан иқтисодиётни модернизация қилиш ва унинг таркибини диверсификация этиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш.

Мазкур йўналишлардаги ишларни муваффақиятли тарзда амалга ошириб борилиши миллий иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланишда ҳамда мамлакатда инвестиция сиёсатини янада такомиллаштиришда асосий тўртки бўлади.

Хулоса ва таклифлар

Миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш ва техник қайта куруллантиришга киритилган инвестициялар самарадорлиги масалаларини ўрганиш, инвестиция фаолияти натижаларини таҳлил қилиш ҳамда ҳукумат томонидан белгилаб олинаётган устувор йўналишларни тадқиқ қилиш натижасида қуйидаги хулосалар ишлаб чиқдим:

1. Юқоридаги таърифлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги изоҳни инвестицияга мантиқий таъриф деб ҳисоблаймиз. Инвестиция – келажакда маълум даромад ёки ижтимоий манфаатга эришиш мақсадида бугунги кунда иқтисодиётнинг исталган тармоғига қилинадиган моддий ва молиявий харажатлар мажмуи.

2. Инвестицияларни турли манбаларда турлича гуруҳларга ажратилинишига қарамасдан, уларни уч турга ажратиш мантиқий тўғри бўлади, реал инвестициялар, интеллектуал инвестициялар ҳамда молиявий инвестициялар

3. Ўзбекистонда инвестиция сиёсати ривожланиши қуйидаги босқичларни ўз ичига олиши ўрганилди: 1-босқич 1991-1994 йиллар, 2-босқич: 1995-2003 йиллар; 3-босқич: 2003 й.-ҳозирги давр.

4. Мамлакатда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати натижасида жами инвестицияларнинг ЯИМдаги улуши тобора ошиб бормоқда. Бу кўрсаткич 2013 йилга келиб 23 фоизга етганлигини кўришимиз мумкин.

5. Умумий ҳисобда 2011 йилда мамлакат иқтисодиётига 20,7 трл сўм маблағ йўналтирилган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб қарийб 4 трл сўмга кўпроқ миқдорни ташкил этди.

6. Жорий йилда 3 миллиард 900 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштирилиб, уларнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 29 фоизга ўсиши таъминланди.

7. Президентимизнинг ПҚ-1464-сонли 2011 йил 7 январдаги қарорида мамлакатимизда 2011-2015 йилларда ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш,

кулай тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилганлиги ўрганилди.

Битирув малакавий иши юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳолатини регламентловчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш. Бунда турли қонуний ҳужжатлар орқали давлат томонидан бериладиган имтиёзлар соҳасини кенгайтириш лозим.

2. Иқтисодиёт ривожига чет эл инвестицияларининг тутган ўрнини долзарблигини инобатга олган ҳолда уларнинг миқдорини тобора ошириб бориш даркор. Бу каби масалани ҳал этишда хорижий инвесторларга тегишли имтиёзларни кўпайтириш билан бир қаторда, яратилган имтиёзлардан хабардор бўлиш имкониятини кенгайтириш лозим.

3. Ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш керак.

4. Инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўрғазмасини ташкил қилиш.

5. Давлат сектори билан бир қаторда хусусий секторда амалга ошириб борилаётган инвестиция лойиҳалари мониторингини амалга ошириш масалаларини ижобий равишда ҳал этиш керак. Бунда мониторинг инвестиция лойиҳалари мониторингини мукамал тарзда бажара оладиган марказлар ташкил этиш лозим.

Юқорида келтирилган таклифлар мамлакат инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш йўлида ижобий таъсир этади деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестицион фаолият тўғрисида”ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон”, 1998 й. 719-І-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон”, 1998 йил, 609-І-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. Т.: “Ўзбекистон”,

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорлари ва Фармонлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 ноябрдаги ПҚ-1855 сонли “2013 йил Давлат инвестиция Дастури тўғрисида”ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1668-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 29 декабрда “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилга мўлжалланган инвестицион дастури тўғрисида”ги 1455-сонли Қарори.
8. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005йил 12 апрелдаги Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2013 йил Халқаро саноат ярмарка ва Кооперация биржасини ташкил этиш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. Тошкент 2013 йил 22 февраль, 53-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Корея Республикаси билан инвестицион ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. 2012 й., 51-сон, 576-модда.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Инвестиция Лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юкларини ва техник кумаклашиш маблағларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш чора - тадбирлари туғрисида" ги Қарори. 2005 йил 15 ноябрдаги 251 – сон.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш туғрисида”ги 2003йил 2декабрдаги 538 – сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика минтақаларида чет эл инвестициялари иш-тироқидаги корхоналар ташкил қилиш дастурига ўзгартиришлар киритиш туғрисида” 459-сонли Қарори, 23.11.2001 йил.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

14. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. //Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ.

16. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.” // “Халқ сўзи” газетаси, 2013 йил 19 январь. № 13 (5687).

17. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» номли маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил, 22 январ.

18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент 2009 йил, 15 март.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1995й.

V. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

20. Абалкин. Л.И. Перспективы экономики России на исходе XX века. // Экономист. 1996й. - № 12.
21. Абалкин Л.И. Стратегия экономического роста и инфляция. // Финансы и бизнес. М.,1998й. -№2. 2-6 б.
22. Аньшин В.М. «Инвестиционный анализ» М.: 2004.
23. Бланк И.А. Инвестиционный менеджмент. – Киев.: 2-е изд. «Ника-Цент» 2006г.
24. Виленский П.Л., Лившиц В.Н., Смоляк С.А. «Оценка эффективности инвестиционных проектов: Теория и практика». 2004.
25. Волков А.С. Марченко А.А. Оценка эффективности инвестиционных проектов. Учебное пособие. М:Изд.РИОР, 2006
26. Графова Г.Ф., Гуськов С.В. Экономическая оценка инвестиций. Учебное пособие –М: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К о»2006
27. Глазунов В.Н. Критерии оценки инвестиционной привлекательности проектов // Финансы. 1997й. №12. 59-62б.
28. Газибеков Д., Узоқов А. Инвестициялар. Иқтисод, 1993 й. №5
29. Говен М., Пинте С. Анализ проектов. Колумбия, Огайо, 1985. 42б.
30. Джонс Эрнест. Деловые финансы: Пер. с. англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 1998г.
31. Жураев А.С., Хўжақулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили Т.: Шарқ. 2003.
32. Ишмухамедов А.Э., Косимов М.С., Джумаев З.А., Жумаев Қ.Х. «Лойиҳа таҳлили». Уқув қулланма. Т.:ЎЁУАЖ 2004.
33. Кожухар И.О. Практикум по экономической оценке инвестиций. Учебное пособие. 2-е изд. М: «Дашков и К о» 2006
34. Е.Г. Непомнящий «Оценка инвестиций» Таганрог 2005.
35. Тимченко Т.Н. Экономическая оценка инвестиций. Учебное пособие. М: Издательство РИОР 2005.

36. Турдиев А.С. Инвестицион фаолият бошқарувини такомиллаштириш йўллари. - Т.: НИИЭиРПС, 1994й. 85-91б.

37. Эргашева Ш., Узоқов А. “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш”. Т.: “Иқтисод-молия” 2008.

38. Ғозибеков Д. “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари” Т.: Молия – 2003.

VI. Интернет саҳифлар

39. www.gov.uz

40. www.mfer.uz

41. www.mineconomy.uz

42. www.stat.uz

43. www.lex.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
“ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА КРЕДИТЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ
ҲАМДА ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИ
(24.07.2008 й. N ПҚ-927)

Хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини Ўзбекистонда яратилган қулай инвестиция муҳити ҳамда мамлакат иқтисодиётига инвестиция сарфлашнинг потенциал имкониятлари тўғрисида кенг хабардор қилишни ташкил этиш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнида давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини аниқ-пухта мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш бўйича қарорларни кўриб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилишда, ҳар йилги Инвестиция дастурларини, шунингдек тармоқлар ва мамлакат минтақаларини ривожлантиришнинг ўрта муддатли дастурларини тайёрлашда етакчи бўғин ҳисобланади, унинг зиммасига мазкур масалаларни ҳал этишда идоравий мансублигидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш масъулияти юкланади.

2. Қуйидагилар:

Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ва ўзлаштириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага* мувофиқ;

хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш жараёнида лойиҳалар ташаббускорлари ва давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш Схемаси 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар,

давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини тузиш ва кўриб чиқишда 2-иловага мувофиқ Схемага қатъий амал қилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги зиммасига хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш учун инвестиция таклифларининг ягона базасини шакллантириш, потенциал хорижий инвесторларни излаш, амалга ошириш таклиф этилаётган лойиҳалар тўғрисида уларга зарур ахборотларни етказиш, шунингдек хорижий инвесторлар ва кредиторлар билан эришилган аҳдлашувларни расмийлаштиришда хўжалик юритувчи субъектларга кўмаклашиш вазифаси юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ягона маълумотлар базасига киритилган инвестиция таклифларининг амалга оширилиши тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикаси берган кафолатлар бўйича мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва қарорлар қабул қилиш учун ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига тегишли ахборотларни тақдим этиб турсин.

6. Вазирлар Маҳкамаси тармоқ Комплексларининг раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тасдиқланган тармоқли жадвалларини ижро этиш, лойиҳаолди ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлаш ва экспертиза қилиш устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш. Мирзиёев) Инвестиция дастурига киритилган хорижий инвестициялар ва кредитларни

жалб этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнини Раёсат мажлисларида ҳар ой мунтазам равишда кўриб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. Каримов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
“Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан
ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида”ги Қарори (07.06.2007 й. N 110)**

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш механизмини такомиллаштириш, шунингдек лойиҳаларни амалга оширишни бошлаш учун тайёргарлик тартиботларини жадаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси билан биргаликда бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирайсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Идоралараро экспертлар кенгаши томонидан енгил саноат корхоналарини куриш, қайта ихтисослаштириш ва модернизация қилиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида" 2006 йил 1 декабрдаги 247-сон қарорига 1-иловада:

а) 10-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"Техник-иқтисодий асослашни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш инвестиция лойиҳалари учун умумий белгиланган тартибда амалга оширилади";

б) 16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

"16. Лойиҳа Экспертлар кенгаши томонидан маъқуллангандан кейин техник-иқтисодий асослашни тасдиқлаш инвестиция лойиҳалари учун умумий белгиланган тартибда амалга оширилади".

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. Мирзиёев